



ХАБАР

ЎЗБЕКИСТОН
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 23 февраль, пайшанба
08-(432)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



СИЁСИЙ ТАЪЛИМ
МАРКАЗЛАРИ ТАРҒИБОТ
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШДА O'ZLIDERNING
АСОСИЙ БЎҒИНИДИР



БПТ ДЕПУТАТЛИК
ГУРУҲЛАРИ БИЛАН ИЖРОИЯ
ҲОКИМИЯТИ
ВАКИЛЛАРИНИНГ
АХБОРОТЛАРИНИ ЭШИТДИ



МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ
ИНҚИРОЗЛАРДАН КЕЙИН
ҲАМ ХУСУСИЙ СЕКТОР ЎЗ
МАВҚЕИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

03 СИЁСИЙ
ТАЪЛИМ

05 ҚУЙИ
БЎҒИНИЛАРДА

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли конференция қатнашчилари,
хонимлар ва жаноблар!
Сиз, мухтарам конференция иштирокчиларини, биринчи
навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё
тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки
намоёндалари бўлган азиз меҳмонларимизни, дунёнинг
турли қитъаларидаги 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф
бурган вакиллари кутлаш ва барчангизга ўзининг
чучук ҳурматини ва ушбу анжуманда
қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлигини
билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бизнинг минтақамизда
иқтисодий вазиятни барқ-
арорлаштириш ва иқтисод
тараққиётни таъминлашга
қаратилган чора-тадбир-
ларини қўллаб-қувватлаш-
га улкан ҳисса қўшиб ке-
лаётган учун мазкур
конференцияни ўтказиш
ташаббускорларидан бири
бўлган Осиё тараққиёт
банки президенти Хару-
хико Курода жанобларига
алоҳида ташаккур изҳор
этамқиман.

Ўйлайманки, конфе-
ренция иштирокчилари
ушбу форумнинг бош мав-
зуси, яъни таълим тизи-
мини ислоҳ этиш масала-
лари — замонавий давлат-
нинг ислоҳ ва барқарор
тараққиётни, авваломбор,
унинг иқтисодий ривожла-
ниши йўлидаги муаммо-
ларни ечиш билан бевоси-
та боғлиқ ҳолда қўрилаёт-
ганига эътибор қаратган
бўлсалар керак.

Сир эмаски, бу мавзу
биз бошимиздан кечириёт-

ган ҳозирги кунларда, ду-
нёдаги деярли мутлак
кўпчилик давлатлар 2008
йилда бошланган, глобал
миқёсдаги янги рецессия
тўқнашларини келтириб
чиқариш хавфини туғди-
раётган жаҳон молиявий-
иқтисодий инқирозининг
салбий таъсири остида
қолиб келаётган бир пай-
тда алоҳида долзарб
аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, умум-
ий эътирофга қўра, XXI
аср глобаллашув ва чега-
раларнинг барҳам топиш
даври, ахборот-коммуни-
кация технологиялари ва
интернет асри, жаҳон май-
донда ва дунё бозориди
тобора кучайиб бораётган
рақобат асрига айланиб
бораётганини исботлаб бе-
ришга ҳожат йўқ, албат-
та.

Бундай шароитда инсон
капиталига йўналтирилаёт-
ган инвестиция ва қўйил-
маларнинг ўсишини,
ҳозирги замонда демокра-

тик тараққиёт, модернизация
ва янгиланиш бораси-
да белгиланган мақсадлар-
га эришишда энг муҳим
кадрият ва халқ қилувчи
куч бўлган билимли ва
интеллектуал ривожланган
авлодни тарбиялаш вазифа-
сини доимо ўзининг асо-
сий ўстувор йўналишлари
категория қўядиган давлат-
гина ўзини намоён эта оли-
ши мумкин.

Хурматли анжуман
қатнашчилари!

Бутун дунёда қўзга
қўринган олим ва мута-
хассислар, жаҳондаги ма-
шхур ўқув юртлири, ну-
фузли халқаро тузилма-
ларнинг раҳбарлари ва
вакиллари иштирокида
Ўзбекистонда шаклланган
таълим тизимини ислоҳ
этиш модели ва уни амал-
га ошириш бўйича тўплан-
ган тажрибанинг муҳока-
ма қилиниши биз учун
юксак шарафдир.

2»»



Фракция ташаббуси

Бухоролик мулкдорлар қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар

БУХОРОДА O'ZLIDER ФРАКЦИЯСИ ОЛИЙ
МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING
БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР
ҚўМИТАСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ҚўМИТАСИНING ВИЛОЯТ
БОШҚАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
«ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА
МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚОНУН
ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутатларининг таъкид-
лашча, мазкур лойиҳа
хусусий мулк ҳуқуқини
амалга ошириш, мулк-
дорларнинг ҳуқуқ ва
мавфакатларини ҳимоя
қилиш, мулк дахлсизли-
гини таъминлашнинг ка-
фолатлари билан боғлиқ
муносабатларни тартиб-
га солишга қаратилгани
билан ноҳоятда аҳамият-
лидир.

БУГУНГИ СОНДА:

БУ ЭСА МУЛК ВА МУЛҚДОРЛИК МАСАЛАСИГА НИҲОЯТДА
ТОР ЁНДАШАЁТГАН, ВАЗИЯТ ВА АУДИТОРИЯДАН КЕЛИБ
ЧИҚИБ, ТУРЛИЧА ФИКРЛАР БИЛДИРАЁТГАН ҲДПНИНГ
САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН
ҚАРАШЛАРИ МОҲИЯТАН НОТЎҒРИ ЭКАНИНИ, БОЗОР
МУНОСАБАТЛАРИ БИЛАН ХУСУСИЙ МАНФААТ
ТУШУНЧАСИНИ БИР-БИРИГА ЗИД ТУШУНЧАЛАР
СИФАТИДА АЖРАТИШГА УРИНИШ БОЗОР
МУНОСАБАТЛАРИНИ ТУШУНМАСЛИК ВА УНИНГ
РИВОЖИГА ТЎСКИНЛИК ҚИЛИШДАН БОШҚА НАРСА
ЭМАСЛИгини ИСБОТЛАМОҚДА.

3»»

«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУҶЖАТИ — РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16-17 февраль

2008 йилда бошланган
жаҳон молиявий-иқтисод-
ий инқирози ва глобал
рецессиянинг таҳдид со-
лаётган янги тўқнаш ду-
ненинг ақсарият давлат-
ларига ҳамон ўз таъсири-
ни кўрсатаётган бугунги
кунда жаҳон барқарор
иқтисодий ҳамда ижтимо-
ий ривожланишга эҳтиёж
сезмокда.

Бундай шароитда ин-
сон капиталига йўналти-
рилаётган инвестиция ва
қўйилмаларнинг ўсиши-
ни, ҳозирги замонда де-
мократик тараққиёт, мо-
дернизация ва янгиланиш
борасида белгиланган
мақсадларга эришишда
энг муҳим кадрият ва халқ
қилувчи куч бўлган би-

лимли ва интеллектуал
ривожланган авлодни
тарбиялаш вазифасини
доимо ўзининг асосий
ўстувор йўналишлари
категория қўядиган дав-
латгина ўзини намоён
эта олиши мумкин.

Ўзбекистон Республи-
каси Президенти Ислон
Каримов ташаббуси бил-
ан Тошкентда 2012 йил
16-17 февраль кунлари
халқаро ҳамжамиятни
Ўзбекистонда таълим со-
ҳасида амалга оширилаёт-
ган ислохотлар самара-
лари, юксак билимли
ҳамда интеллектуал ри-
вожланган авлодни тар-
биялашда давлатнинг
роли ва бу борада
тўпланган тажриба би-

лан кенг таништириш
мақсадида «Юксак би-
лимли ва интеллектуал
ривожланган авлодни
тарбиялаш — мамлакат-
ни барқарор тараққиёт
этириш ва модернизация
қилишнинг энг муҳим
шарти» мавзусида халқаро
конференция ўтказил-
ди.

Халқаро конференция-
да қарийб 1000 нафар
иштирокчи, жумладан,
дунёнинг 48 давлатидан,
8 халқаро ташкилот ва
таълим жамғармаларидан
270 нафар вакил ишти-
рок этди. Ушбу нуфузли
форумда БМТ Бош қоти-
бининг ўринбосари, Осиё
тараққиёт банки прези-
денти, Ислон тараққиёт

банк президенти, қатор
хорижий мамлакатлар-
дан вазирлар, соҳага те-
гишли қўмиталар раҳ-
барлари ва парламентлар
депутатлари қатнашди.
Ўзбекистон Республи-
каси Президенти Ислон
Каримовнинг Ўзбекист-
онда Таълим соҳасини
ислоҳ қилиш, юксак би-
лимли ва интеллектуал
ривожланган авлодни
тарбиялаш бўйича амал-
га оширилаётган дастур-
нинг асосий мақсад ва ва-
зифалари, мазмун-моҳи-
яти қисқача баён этилган
нутқи халқаро конферен-
ция ишида муҳим аҳамя-
ят касб этди.

3»»

3»»

4»»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 21 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ
ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУҒАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун
хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйдиган қийматини белгилайди.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
мажкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийатини асмаган.

1 Австралия доллари ▲ 1966,50
1 Англия фунт стерлинги ▲ 2896,39
1 Дания кронаси ▲ 324,33
1 БАА дирҳами ▲ 496,77

1 АҚШ доллари ▲ 1824,38
1 Миср фунти ▲ 302,26
1 Исландия кронаси ▼ 14,85
1 Канада доллари ▲ 1839,09

1 Ҳитой юани ▲ 289,82
1 Малайзия ринггити ▲ 604,10
1 Польша злотийси ▲ 579,17
1 СДР ▼ 2817,63

1 Туркия лираси ▲ 1048,68
1 Швейцария франки ▲ 1994,08
1 ЕВРО ▲ 2398,65
1 Жанубий Корея вони ▲ 16,24

1 Япония иенаси ▼ 229,40
1 Россия рубли ▼ 60,82
1 Украина гривнаси ▲ 228,40

Шунинг учун ҳам биз барчангизни Тошкентда нафақат Тошкентда, балки қадимий тарих ва цивилизация бешиклари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида ҳам кўришдан хурсандимиз.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз муҳтарам меҳмонларимизга, барча конференция қатнашчиларига яна бир бор ўзининг ҳуқуқдорат-эҳтиром ва самимий миннатдорлигини билдиришга руҳсат этайсиз.

Барчангизга сихат-саломлик, олижаноб фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конференция иштирокида муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

АГАР ЎТГАН ЎН ЙИЛ ДАВОМИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА **80** МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ҲАЖМИДАГИ КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЎЛСА, УЛАРНИНГ **23** МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ЗИЁДИ ЁКИ ҚАЙИБ **30** ФОИЗИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАШКИЛ ЭТДИ. ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ **2012** ЙИЛДАГИ ЎСИШИ **16** ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ, УЛАРНИНГ **70** ФОИЗИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА. БУ ЭСА, ЎЗ-ЎЗИДАН МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРГА ХОРИЖИЙ КАПИТАЛНИНГ ҚИЗИҚИШИ ВА ЭНГ МУҲИМИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БЎЛГАН ИШОНЧНИНГ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

Бошланғич партия ташкилотларида

Пайшанба | 2012 йил 23 февраль | WWW.21ASR.UZ
07 (432)-СОН

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

Ноанъанавий ёндашув ўзини оқламоқда

2012 йилнинг январь-февраль ойларида жойлардаги энг йирик бошланғич партия ташкилотлари томонидан О'ЗЛИДЕРНИНГ МАХАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИ ИШТИРОКИДА 22 ТА ТАДБИР ЎТКАЗИЛИБ, УЛАРДА ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲУДУДЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН АХБОРОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ

Абулфайз САИДАСКАРОВ,
«XXI ASR»

О'зЛиДеР томонидан 2011 йилнинг август ойидан бери жойларда ўтказилаётган «Бошланғич ташкилот — партия асоси: ижтимоий-иқтисодий таълим» таълими ва фаолиятини такомиллаштириш мавзусидаги махсус акция ислохотларнинг бугунги босқичида партиянинг қуйи бўғинлари фаолиятини бутунлай қайта қўриб чиқиш ва асосий эътиборни электрорат олдидан турган ҳаётини масалаларга қаратиш имкониятларини кенгайтирди, дейиш мумкин.

Шу ўринда 2011 йилда О'зЛиДеР бошланғич партия ташкилотларининг умумий сони 7647 тага етганини, партия аъзоллигига 3269 киши қабул қилинганини таъкидлаш мумкин.

О'зЛиДеР фаолларнинг фикрича, «Бошланғич ташкилот — партия асоси: ижтимоий таълим» таълими ва фаолиятини такомиллаштириш мавзусидаги махсус акция бошланғич ташкилотларни партиянинг тарбият-ташвиқот материаллари, илмий-усулбий қўлланмалар билан таъминлаш, партия вилоят кенгашлари ҳузуридаги си-

ёсий таълим марказларида эса БПТ аъзолари малакасини ошириш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишда қуйи бўғинларнинг маҳаллий бошқарув органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳам жиддий таъсир қила бошлаган.

Акциянинг дастлабки босқичида БПТлар фаолияти чўқур таҳлил қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу ўринда партия аъзолари сони қайта қўриб чиқилиб, сифат кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди.

Кейинги босқичда эса асосий эътибор бошланғич ташкилотлар билан алоқани мустаҳкамлаш, уларнинг сифат таркибини ўрганиш ҳамда муносиб номзодларни О'зЛиДеР кадрлар захира-сига киритишга қаратилди.

Шунингдек, туман ва шаҳар кенгашларида БПТ етакчилари билан доимий равишда амалий мулоқотлар, учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Айни пайтда ҳудудлардаги йирик БПТларда ана шу тартибга қатъий амал қилинмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги энг



намунали бошланғич ташкилот — «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонасидаги БПТда Юртбошимизнинг 2011 йилнинг асосий йўналишлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирилар Маҳкамаси мажлисидаги «2012 йил — Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номидаги маърузасини ўрганиш ва тартиб этишга бағишланган тадбир ўтказилди.

— Президентимиз маъ-

рузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, айниса, янги иш ўринлари яратиш борасидаги устувор йўналишлар асосида муайян ишларга ҳам киришдик, — дейди БПТ раиси Фахриддин Файзиев. — Хусусан, фаолларимиз ташаббуси билан тумандаги Карлик, Сарик, Хўжамуборак, Туркман, Норазим ва Қорақум қишлоғилик юзга яқин хотин-қизлар иш билан таъминландилар.

Эътироф этиш керак, ушбу бошланғич ташкилот аъзолари сони тобора кўпай-

иб, ташкилот йиғилишларида партия ишини такомиллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш орқали аҳолининг моддий фаровонлигини янада яхшилаш борасида ҳам янги-янги таклифлар билдирилмоқда. Тадбиркорларга бугунги ислохотлар моҳиятини тушунириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий-хуқуқий билимларини бойитишга оид учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар ўтказиш ҳам БПТ фаолларининг диққат марказида турибди.

Маълумки, О'зЛиДеР Дастурида партия Ўзбекистонда давлат ва жамият тизими ривож ва янгиланишининг асосий таянчига айланиши ҳамда Ватан тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олиши белгилаб қўйилган.

Махсус ташкилий партиянинг ақциялар доирасида ташкил этилаётган туркум тадбирларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, жойларда ташкил этилаётган БПТ йиғилишларида депутатлик гуруҳи иштирокида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларнинг ҳудудлардаги фаолиятини юзасидан маълумотларини эшитиш амалиёти жорий этилди.

Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги «Сўх чашма» корхонаси қошидаги БПТ йиғилишида айнан ана шу масъулиятдан келиб чиқиб, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бу борадаги муаммоларни ўрганиш учун туман ҳокимиятининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Г.Гадовнинг маълумотларини тингладик.

Тадбирда вилоятдаги 44332 та тадбиркорлик субъектининг 907 таси Сўх туманида фаолият юритаётгани таъкидланди. 2011 йилда улар сони бирмунча кўпайгани таъкидланди. Хусусан, «Мирозабдулло» фермер хўжалигида паррандачиликни ривожлан-



тириш мақсадида 5 мингта паррандага мўлжалланган замонавий паррандачилик фабрикаси, 30 мингта жўжа очирish қувватига эга инкубатор ишга туширилди.

«Фермерлик: устувор вазифалар, ёндашувлар, мавжуд муаммо ва улар ечим» мавзусидаги тадбирга эса Олтиариқ туманида «Фермерлар уюшмаси» да тузилган БПТ аъзолари ташаббускор бўлдилар. 2011 йилда давлатда пахта ва ғалла сотиш режасини бажариш ва бу борадаги вазифалар ва мавжуд муаммолар ҳам партия фаоллари эътиборидан четда қолмади.

Унда туман, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг жорий йилдаги фаолиятини юзасидан бошқарма раҳбари ўринбосари Д.Мусаевнинг ахбороти ҳам тингланди.

Йиғилишда бошқолдон етиштириш ва давлатга сотиш режаси туманда 105 фойза, пахта етиштириш режаси 100 фойзага бажарилган бўлса-да, 15 та фермер хўжалигида шартнома-режаси тўлиқ адо этил-

магани, 20 га яқин фермер эса режани 60 фойзага бажарганига бошланғич ташкилот аъзолари томонидан муносабат билдирилди.

Шунингдек, уруғ танлашдаги камчиликлар, сув таъминоти ҳамда таъминотчи ташкилотлар томонидан ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар етказиб беришнинг кечиктириш ҳолатлари, айрим фермерларнинг агротехника ва мелиорацияга оид зарур билимларга эга эмаслиги, ер банитети ҳисобга олинмагани шундай оқибатларга олиб келаётгани таъкидланди.

Бундай тадбирлар натижасига кўра, фаол фермер ва депутатлар, мутасадди идоралар вакиллари иборат ишчи гуруҳ тузилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Энг асосийси, муҳокама этилган масалаларни депутатлик гуруҳи орқали халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бир сўз билан айтган-

да, БПТ аъзолари ташаббуси билан ташкил этилаётган бундай ноанъанавий тадбирлар жамиятнинг ислохотлиш ва янгиллаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни турли ижтимоий қатламлар, айниса, партия электорати ўртасида тарғиб қилиш, бошланғич ташкилотлар раҳбарлари ва аъзоларини фовий-назарий ва услубий тайёргарликдан ўтказиш ҳамда уларнинг билим ва қўникмаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Зеро, партия фаолларининг омма билан ишлаш жараёнида замонавий технологиялар борасидаги қўникма ва тажрибаларини изчил ошириб боришни дав-

нинг ўзи тақозо этмоқда. О'зЛиДеРнинг мақсад ва гоъларини оммага етказишда эса қуйи бўғинлар низоҳотда кенг имкониятларга эгадир. Жойлардаги партия фаоллари учун ноанъанавий тарзда ташкил этилаётган бундай тадбирлар эса бошланғич ташкилотларни ана шу муҳим жараёнга жалб этиш нечоғли самарали эканини исботламоқда.

Сўранг,
жавоб
берамиз!

Уйингизни
ижарага
бермоқчимисиз?
Унда нотариусга
муурожаат
қилинг. Акс
ҳолда...

— 2012 йилнинг 1 февралдан бошлаб, уй-жойни ижарага беришни тартибга солувичи қонун қучга кирганини эшитдим. Унга асосан фуқаро ўзига қарашли бўлган уй-жойни ижарага бермоқчи бўлса, давлат нотариал идорасидан рўйхатдан ўтказиш шарт эмас экан? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

М.Жўраев,
Чиноз тумани.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Х.Насирхўжаевнинг таъкидлашича, шахсий уй-жойни ижарага бериш нотариал идора томонидан расмийлаштирилиши шарт, албатта. Бунинг учун уй-жойнинг эгаллик ҳуқуқини белгилوши ҳужжатлари, ордер, инвентарь ҳужжатлари, уй режаси, мулкдорнинг шахсий паспорти, агар у юридик шахс бўлса, мулк ҳуқуқини тасдиқловчи қўчмас мулк, турар ёки нотурар жойнинг ҳужжатлари талаб этилади. Молия вазирлигининг ММ-32-14/135 сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг 15/1-1670 сонли қўчма келишувига асосан ижарага берилган бинонинг хар бир кв. метри учун 3000 сўм белгиланган бўлиб, ушбу сума шартномада кўрсатилган муддатта қўпайтирилади ва шундан келиб чиқадан сумманинг 1 фойизи нотариал расмийлаштиришга ва 9 фойизи давлатга бож сифатида тўланади.

Ғоявий-сиёсий ишларимиз талаб даражасида эмас

— ДЕЙДИ «ҚАРШИМЕБЕЛЬ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ РАҲБАРИ, БПТ ЕТАКЧИСИ САЛОМАТ КОМИЛОВА

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Саломат Комилова ўз фаолиятини «Қаршимебель» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Ёгочни қайта ишлаш заводи»да инженер-технолог сифатида бошлаган. 2003 йилдан бери «Қаршимебель» МЧЖ раҳбари. 2004 йилдан эса О'зЛиДеР бошланғич ташкилоти раиси.


Саломат Комилова Қашқадарёда мебель саноатини ривожлантиришда самарали иزلанаётган тадбиркор аёллардан. Агар корхона ишга тушган даврда 9 киши меҳнат қилган бўлса, бугунга келиб жамиятда 40 киши фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий қисми ёшлар ва О'зЛиДеР аъзолари эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

2005 йилдан бери маҳаллий хом ашёдан қаттиқ ва юмшоқ мебеллар тайёрланаётган жамиятда асосан ўқув ва мақтабгача тарбия муассасалари учун стол-стулар ишлаб чиқарилмоқда. 2006 йилга келиб «Таъмирлаш-механика корхонаси»нинг пайвандлаш цехи сотиб олинган, мебеллар учун металл каркаслар, дарвозалар, панжара, сейф каби халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

«Қаршимебель» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирилар Маҳкамаси қарорларига асосан маҳаллийлаштириш дастурига киритилгандан сўнг ягона солиқ тўловидан озод қилинди. Ортирилган даромад эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирила бошланди. Хориждан янги ишлаб чиқариш ускуналари келтирилгани ҳисобига ёшлар учун янги иш ўринлари яратилди.

Корхона аъзолари 2011 йилда 1 млрд. 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганини таъкидламоқдалар. Олинган фойда корхонанинг техник ва технология жихатдан янгиллаш ҳамда модернизациялаш ишларига сарфланаётганлиги туфайли маҳсулот тури 70 тага етказилди.

2011 йили жамиятда О'зДСт ISO 9001:2009 халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган



сифат менежменти тизими жорий этилди ва уни тасдиқловчи сертификат олинди.

— Бундай эътироф зиммасига жуда катта масъулият ҳам юклайди, — дейди Саломат Комилова. — Яқин келажакда маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилаш чораларини кўраямиз.

Агар ҳозир йилда 35-40 минг донга меҳнат маҳсулотлари тайёрланаётган бўлса, эндиликда бу кўрсаткичнинг икки бараварга ошириш ниятидамыз. Зеро, тадбиркор яратувчи инсондир. Истиқлол йилларида вилоятимизда меҳнат саноати жадал ривожланди. Биз «Савдо-гарбанк» вилоят филиалидан 350 млн. сўм кредит олиб, Қарши шаҳрида «Мебеллар уйи» савдо дўкони қурилишини ҳам бошлаб юбордик. Аммо бугунги ҳисоб-китобларимиз яна 350 миллион сўм маблағ зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам банк мутасаддиларига муурожаат қилиб, қўшимча сармоя сўрамоқчимиз. Ана шу кредитни ололсак, маҳсулотларимизни ўз дўконимиз орқали истеъмолчиларга етказиш имконияти пайдо бўлади.

Саломат Комилова айни пайтда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка йўналтириш масалаларида ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

— Фаоллик ва ташаббускорлик билан иш юритсак, қўзланган мақсадларга эриша оламиз, — дейди у. — Партия аъзоллигига қабул қилишда кишиларнинг ташаббускорлиги, салоҳияти, эл орасида бўру-этибор қозонганлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилишда бу масала низоҳотда муҳим, деб ўйлайман. Бир сўз билан

айтганда, сафдошларимиз амалий фаолиятлари билан эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўиши, сиёсий жараёнинг ҳаракатлантирувчи қучига айланишлари керак. Афсуски, бу масалада ҳар доим ҳам қутилган натижаларга эришилапти, деб бўлмайд.

Маълумки, вилоятимизда партия аъзоларининг 60 фойзини тадбиркор ва ишбилармонлар ташкил этади. Улар сонини қўпайтириш учун эса тарғибот-ташвиқот ишлари янада қучайтирилиши, кенгаш аъзолари ва албатта маҳаллий кенгашларда депутатларимизнинг электрорат билан алоқаси бутунлай қайта қўриб чиқиш керак. Чунки партиялараро рақобат тобора қучайиб бораётган бир пайтда айрим сафдошларимизнинг лоқайдлиги электроратини партиядан узоқлаштирмоқда. Билдирилган ишончнинг бундай сунистеъмол қилиш эса О'зЛиДеР учун қимматга тушибди мумкин.

Ха, Саломат Комилова ҳақ гапни айтди. Гарчи О'зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, лекин айрим партия фаолларининг номинатива иш олиб бораётгани, баъзи ҳудудларда эса БПТлар ишга эътиборсизлик билан қаралаётганидан кўз юммаслик керак. Маҳаллий кенгаш депутатлари билан вилоят кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмагани ҳам юқоридагидек ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Бундан эса биринчи гада вилоят кенгаши раиси ҳамда кенгаш аъзолари жиддий ҳулосалар чиқаришлари лозим бўлади. Зеро, ислохотларнинг янги босқичи ҳар бир партия аъзосидан томошабилликни эмас, ақсинча, ташаббускорлик ва ишжонатни талаб этмоқда.

Тушбуём

ТАДБИРКОР ТАШХИС МАРКАЗИ ҚУРДИ

Шахрихон шаҳри марказида тадбиркор Абдуқодир Воҳидов етакчилигидаги «Тонг ташхис» масъулияти чекланган жамияти томонидан тиббий ташхис маркази фойдаланишга тоширилди. Кенг, кўркам ва ёруғ, дид билан жиҳозланган хоналарда шифокорлар ҳамда беморларга барча қулайликлар яратилган. Марказга АКШнинг «General electric» компаниясининг сўшти русумдаги компьютер томографияси апарати келтириб ўрнатилгани эса аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Марказнинг олий тоифали шифокори Абдураҳим Раҳимовнинг таъкидлашича, ушбу замонавий тиббий ускуна ташхис қўиш борасида шу турдаги бошқа ускуналарга қараганда анча сифатли. У тиббий ташхисни аниқ-равшан қайд этиш имконини беради.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ тайёрлади.

Иқтисодиёт

«Агробанк»

Реклама ўрнида

Сармоялар эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда

«АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT БАНКИНИНГ СУРХОНДАРЁ, ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН 2011 ЙИЛДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА БЕРИЛГАН КРЕДИТЛАР МИҚДОРИ 28 МЛРД. 506 МЛН. СЎМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИБ, УЛАР ЭВАЗИГА 3347 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Ҳақиқатан ҳам, мазкур молия муассасаси ўтган йили хусусий секторни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини молиялаштиришга бирламчи даражада аҳамият берилди. Жумладан, 165 нафар тадбиркор аёлга 2 млрд. 358 млн. сўм миқдориди микрокредит ажратилди. Қўлаб ишбилармон опа-сингилларимиз, бизнес лойиҳалари банкнинг молиявий қўмағи асосида ташкил этилаётганидан миннатдор бўлишмоқда. Бу эса ўз навбатида қўлаб хонадонларнинг фаровон яшашлари учун мустаҳкам замин яратаяпти.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначилик фаолиятини ривожлантиришда ҳам банк сармоялари ўрни катта бўлаяпти.

— Биз касаначиликни ривожлантириш мақсадида «Агробанк»дан 100 млн. сўмлик узок муддатли кредит олиб, юқори иш унумига эга бўлган чокли тикки машиналари ва хомашё харид қилдик. Айни пайтда 6 нафар ишчи сифатли болалар уст-бошларини тикиб тайёрламоқда, — дейди «Ўзгаллик боғи» хусусий корхонаси раҳбари А.Бобонов.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тад-



бирлар тўғрисида»ги фармонига асосан кейинги йилларда мамлакатимизда банк кредити эвазига уй-жойли бўлаётган ёш оилаларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Сурхондарё вилоятида ҳам мазкур қўлайлик туфайли 77 та ёш оила турар-жойга эга бўлди.

Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам бошқарма жамоасининг доимий диққат-эътиборидадир. Ўтган йили банкнинг 468,4 млн. сўмлик молиявий қўмағи асосида қўлаб уддабурон ёшлар ўз бизнесини самарали йўлга қўйиб олдилар.

Вилоятда озик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар салмоғи ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган сифатли ва арзон маҳсулотлар бугун бозор пештахталарини тўлдиряпти.

Ана шу корхоналарга молиявий қўмак беришда «Агробанк» ОАТБ Сурхондарё филиали етакчи ўринни эгаллаб келяпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу йўналишга 9 млрд. 82 млн. сўм кредит маблағи ажратилгани бунинг ёрқин мисолидир.

Масалан, Денов туманидаги Мўминов фермер хўжалиги тасарруфидида «Семурғ Оккуш Денов» корхонасига 150 млн. сўм маблағ ажратилгани ҳисобига паррандачилик замонавий даражада йўлга қўйилиб, аҳолига пархез гўшт маҳсулоти етказиб бериш қўлайди. Туманда истиқомат қилувчи 13 киши иш билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 апрелдаги «Мамлакатимизда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан эса мазкур тармоққа 5 млрд. 439 млн. сўм кредит ажратилди.

Жорий «Мустаҳкам оила» йилида ҳам банк жамоаси мижозларга хар жабҳада қамарбаста бўлишга интиляпти. Асосий эътибор оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Бу борада ўтган 2 ой мобайлида кўзга қўринарли қўлаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, 51 нафар мижозга уй-жой харид қилиши учун 25,0 млн. сўмдан бешланғич сармояси ажратилди. Бир сўз билан айтганда, «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банкининг сармоялари аҳоли бандлик даражасини оширишга, пировардида халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаяпти.

Ибрат

Tagbur

«Кўктерак»да юзма-юз мулоқот

ЖОЙЛАРДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2011 ЙИЛНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ ВА 2012 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОННИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВР ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. БУНДА АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗИШ ЯХШИ САМАРА БЕРМОҚДА



Ана шундай учрашувлардан бири Зангиота туманидаги «Кўктерак» маҳалласида бўлиб ўтди. Унда Республика Марказий банки департаменти директорининг ўринбосари Азамат Қосимов ва Марказий банк Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи Иброҳим Салимов учрашув катнашчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар самаралари, хусусан, «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, уларни қандай олиш тартиб-қоидалари тўғрисида атрафлича ту-

шунтириш бердилар.

— Турли соҳа вакиллари юзма-юз мулоқотларининг айнан маҳалла-ларда ўтказилиши яхши самара бермоқда, — дейди «Кўктерак» МФЙ раиси Ақром Султонов. — Биз ушбу учрашувда оилавий тадбиркорликка хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиш,

аёлларни иш билан таъминлаш масалаларини бафуржа муҳокама қилдик. Банк ходимларининг бу борада амалий ёрдам беришга тайёр эканликлари-дан маҳалла ахли мамнун бўлди. Бундай тадбирлар туманининг барча ҚФЙ ва маҳалларида ҳам ўтказилиши режалаштирилмоқда.



«Севинч» изланишда

«СЕВИНЧ» САВДО-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИНИНГ ҚОРАҚЎЛ ТУМАНИ МАРКАЗИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТА БОШЛАГАНГА РОППА-РОСА 13 ЙИЛ БЎЛДИ

Тадбиркор Гулнора Севинчова бошчилигида бу ерда дастлаб фақат савдо-сотик билан шуғулланилган бўлса, юртимизда хусусий тадбиркорликка яратилган кенг имкониятлар туфайли пахта заводлари чиқтирларини қайта ишлашга киришилди.

«Қоракўлахтаозалаш» хиссасдорлик жамияти ва бошқа бир қатор тармоқ корхоналаридан келтирилаётган чиқтирларни йнгирув дастхоналари ёрдамида қайта ишлаб, улардан бирмунча дағалроқ янг ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Таъкидлаш ўринлики, бундай маҳсулотларга мебель саноатида, дори-дармон ишлаб чиқарадиган корхоналарда эҳтиёж катта.

Фирма цехларида бир ойда ўртача 30 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Корхона маҳсулотларини бутунги кунда Андижондаги «Арконтқувтекс», Бухородаги «Шукур» хусусий корхоналари харид қилаяпти. Тўпланган иш тажрибаси хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириш кони фойда эканлигини кўрсатди. Олинаётган фойда ҳисобидан корхонада янги тўкув цехини барпо этиш ҳам режалаштирилган. «Агробанк» ОАТБнинг Қоракўл бўлимида олинган 70 минг АҚШ долларлик маблағ эвазига Россия давлатидан бир қатор замонавий тўкув дастхоналари келтириб, корхона цехларига ўрнатиш белгиланмоқда. Бу эса яна 30 га яқин янги иш ўрни очилишига имкон беради.


Асхор ИСТАМОВ тайёрлади.

«Савдогарбанк»

Реклама ўрнида

Хусусий секторга бирламчи эътибор

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАН МАМЛАКАТИМИЗ БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИБ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТОМ МАЪНОДАГИ КАФОЛАТИГА АЙЛАНГАНИ БЕЖИЗ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМАЯПТИ





Мусурмон РЎЗИЕВ,
«XXI ASR»

Тизим тараккиёти учун пухта ҳуқуқий асос яратилгани, унинг моддий-техник базаси ривожлантирилаётгани банкларнинг барқарор фаолият юритишини таъминламоқда. Бунга «Ўзбекистон-Германия «Савдогар» очик акциядорлик-тижорат банки Хоразм вилоят филиали мисолида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мазкур молия муассасаси айни пайтда ўз мижозларини молиявий қўллаб-қувватлаш баробарида Инкирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган узок муддатли ўсиш ва ривожланишга эришиш тамойилларига қатъий амал қилмоқда. Инвестицион лойиҳалар жозибадорлигини ошириш, юқори ликвидлик ҳамда барқарорлигини, асосий кўрсаткичларини юксалишини таъминлаш ва уларни жаҳон андозлари талаблари даражасига етказишга амалий ёрдам кўрсатиш ҳам банк мутаассадилари диққат марказидадир.

2012 йил 1 январь ҳолатига банкнинг кредитлар қолдиги 3693,3 млн. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 2083,9 млн. сўмга қўйилди. Бунда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник янгилаш ва диверсификациялаш, шу жумладан, Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озик-овқат товарлари ишлаб чиқариш кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиршга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Мамлакатимизда ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар салоҳиятини ошириш, маҳаллийлаштириш дастурини изчил рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилди. Бошқача айтганда, 2011 йил давомида барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредит маблағлари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилди.

Жумладан, «Хоразм шакар» очик акциядорлик жамияти қошидаги «Умидли чорва» шўба корхонасига паррандачи-



ликни янада ривожлантириш учун 200 миллион сўм кредит ажратилди. Ўз навбатида корхона хориждан паррандахоналарни бир хил хароратда сақлайдиган фанерлар сотиб олди. Ишлаб чиқариш қувватлари оширилган корхонада эса яна 12 та иш ўрни ташкил этилди.

Бундан ташқари, «Яшнар» хусусий фирмасига янги ишлаб чиқариш учун хомашё ва қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга ажратилган 102,1 миллион сўмлик кредит эвазига корхона иш хажми 5-6 баробарга ортиди. Киска муддатда 450 миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишлари амалга оширилди. Энг муҳими, 7 та янги иш ўрни яратилди.

«Софт Пласт инвест» масъулияти чекланган жамиятида ҳам филиалнинг 100 миллион сўмлик молиявий қўмағи ёрдамида алюминий ва пластик ойна-эшиклар, профилли ромларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Аҳолига замонавий қурилишбон материаллар етказиб бериш баробарида 7 та иш жойи ташкил этилди.

Бундан ташқари, банк жамоаси юқори даражадаги сервис хизмат кўрсатиш тармоғи равангага ҳам муносиб хисса қўшмоқда. Жумладан, Ўргач шахридаги «Гастроном Сомес» масъулияти чекланган жамиятига замонавий дўкон ва савдо мажмуаси қуриш учун 700 миллион сўм, «Ўргач Прогресс» МЧЖга эса янги қўрилишдаги маънавий хизмат кўрсатиш уйи ва дўкон барпо этишга 300 миллион сўм миқдориди кредитлар ажратилди. Хозирги кунда истеъмолчилар учун кенг

қўлайликларга эга ва худуд инфратузилмасини янада кўркамлаштирадиган яна бир неча ишшотлар қурилаяпти.

Юртимиздаги барча молия муассасалари қатори филиал жамоаси ҳам мижозлар манфаатини қўллаб-қувватлаш, уларга қатор имтиёзлар яратишга устувор аҳамият қаратмоқда. Хусусан, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш корхоналари ва дўконлар фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида 87 та терминал ўрнатилди. 5325 нафар мижоз «Савдогарбанк» пластик қарточкаларидан фойдаланаяпти.

Филиалнинг фуқораларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари хажмининг ошириб бораётгани ҳам эътиборга сазовордир. Аҳолининг маънавий-ижтимоий шароитларини янада яхшилашга 2011 йилда 298,85 млн. сўмлик маблағ йўналтирилди.

Муҳтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон — Германия «Савдогар» ОАТ банкнинг Хоразм вилоят филиали томонидан молиявий хизмат кўрсатиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, сервис соҳасини молиявий рағбатлантириш, иқтисодий ривож, аҳоли фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлари ҳам эътиборга лойикдир. Мазкур молия муассаса жамоасининг истикболдаги режалари янада қўламлидир. У ҳам бўлса, молиявий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва мижозлар сонини қўлайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга хисса қўшишдир.

Ҳамкорлик

СОТКАЛАР ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

«Ўзбектелеком» АК матбуот хизмати хабар қилишича, Ҳиндистоннинг «Olive Telecommunication Pvt. Ltd.» компанияси билан ҳамкорликда Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида мобил телефонлар ишлаб чиқарилади.

Мазкур корхона фаолиятини йўлга қўйиш ишлари якунига етказилди. Инвестиция дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичида «OliveTelecom» қўшма корхонаси томонидан мобил ва стационар телефонлар, CDMA-450 стандартдаги модемлар ва интернет-приставкалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.



Халқаро ҳаёт

Тадбиркорлик

XXI АСРНИНГ ДАСТЛАБКИ ИККИ ЎН ЙИЛЛИГИДА КЕТМА-КЕТ ЮЗ БЕРАЁТГАН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗЛАРДАН KEYIN ҲАМ ХУСУСИЙ СЕКТОР ИҚТИСОДИЁТДА ЎЗ МАВҚЕИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Файзулло
АБДУЛБОКИЕВ

Маълумки, ҳар қандай бизнесдан кўзда тутилган мақсад фойда олиш ва даромadni муттасил ошириб боришдир. Бундай фойда бизнеснинг кейинги ривож ва ижтимоий талабларни қондиришга қаратилади, албатта. Тадбиркорнинг мақсади эса янги фикр ва ғояларни излаш, таҳлил қилиш, ўз ташаббускорлиги, яратувчилик қобилиятларини юзага чиқариш орқали муваффақиятга эришишдир.

«Тадбиркор» тушунчасини биринчи марта XVIII аср бошида инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон иқтисодиёт назариясига киритган бўлиб, у маълум баҳоларда ўзгалар маҳсулотини сотиб олиб, фойда кўриш мақсадида сотиш билан шуғулланадиган кишиларни назарда тутган. Шу маънода ҳам таваккалчилик — тадбиркорнинг энг асосий кўрсаткичи, деб баҳолаган.

XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг бошларига келиб эса француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей тадбиркорга ўз хисобига ва таваккалчилик билан иш бошлаб, қандайдир маҳсулотни ўз фойдаси учун ишлаб чиқарувчи шахс, дея таъриф беради.

Немис иқтисодчиси В.Зомбартнинг (XIX аср охири — XX аср бошларида) фикрича, тадбиркор — бу забот этувчи, таваккалчиликка тайёр туриш қобилиятига эга маънан эркин, ғояларга бой, шижоатли ва ўз сўзини ўтказадиган, ташкилотчи ва кўпчилик бошини қовуштира оладиган шахсдир.

Бугунги кун тажрибаси эса тадбиркорлик кўпроқ кичик бизнес соҳасида фаолият юритишдан иборат эканини аниқлатмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларида кичик бизнеснинг мезонлари турлича бўлиб, ишловчилар сони 20 дан 30 нафаргача бўлса — кичик корхона, 100 дан 400 нафаргача бўлса — ўрта корхона, 500 нафардан ортиги эса йирик корхона, деб юритилади.

АҚШда кичик бизнес тоифасига 500 нафаргача ходимлари бўлган корхоналар киритилади. Герма-

нияда эса асосан ходимлар сони ва йиллик айланма маблағ эътиборга олинади. Кичик корхоналарга 100, ўртача корхоналарга 500 нафаргача ходими бўлган, йиллик айланма маблағи 100 млн. еврога етган корхоналар киритилади.

Голландияда кичик фирмаларда ўртача 10 нафар, ўрта фирмада эса 100 нафаргача ходим ишлайди. Жанубий Кореяда саноат ва транспортда 20 нафаргача ходим банд бўлган фирма кичик корхона ҳисобланади.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг навбатдаги тўлқини Европада юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги башоратлар дунё микёсида яна кичик бизнесни ривожлантиришни долзарб масала сифатида кун тартибига киритгани бежиз эмас. Маълумки, тарихда ҳам, бугунги кунларимизда ҳам тадбиркор ва ишбилармон инсонлар ҳар қандай давлатнинг таянчи ва суянчи, жамиятнинг устуни бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу ўринда XX асрнинг 90-йилларида оёққа тура бошлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари бугун ўзининг бардошлилиги билан дунёда йирик монополиялар ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашларни ҳам чиппакача чиқараётганини таъкидлаш жоиз. Тан олиш керак: 90-йилларнинг ўрталарида ҳатто Америкада ҳам камида 20 кишидан иборат иш ўрни яратган кичик тадбиркорлик субъектлари жами янги иш ўринларининг 60 фоизини ташкил этган эди. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 миллион фуқаро иш билан таъминланган бўлса, йирик корпорациялар, аксинча, 3 миллионга ташкил топган иш ўрини қисқартиришга мажбур бўлдилар.

2008 йилда бошланган ва ҳали-ҳануз давом этаётган глобал инқироз шаронтида ҳам айнан йирик корхоналар 30 миллион ишчи-хизматчини бўшатгани дунё микёсида кичик ва хусусий бизнесга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгараётганини аниқлади. Маълумотларга қараганда, АҚШда ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 40 фоизни ташкил этса, Германияда 2,1 миллионга майда ва

ўрта бизнес субъекти ялпи ички маҳсулотнинг учдан икки қисmini ишлаб чиқармоқда. Франциянинг кичик ва ўрта корхоналарида фаолият олиб бораётган 12 миллион ишчининг инвестициялардаги улуши 48, савдо айланмасида 60,2, экспортда эса 49,6 фоизни ташкил этади.

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ҲАМ КИЧИК БИЗНЕС ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ ВА АНГИЛИКЛАРГА НИСБАТАН ЯШОВЧАН ЭКАНИНИ АЛЛАҚАЧОН ЁСБОТЛАБ БЎЛДИ. БОЗОР ШАРОИТИ ЎЗГАРИШЛАРИГА МОСЛАШУВЧАНЛИК, ШАХСИЙ ТАШАББУСЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР МАВЖУДЛИГИ СОҲА МУВАФФАҚияТига КЕНГ йЎЛ ОЧАЁТИР.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Трансмилий бизнеснинг куч-қудратига қарамай, нега кичик бизнес субъектларининг мавқеи тобора ошиб бораёпти? Экспертларнинг фикрича, асосини оилавий бизнес ташкил этаётган «яратувчанлик тамойили» кичик корхоналар бардавонлигини таъминлаётган бирламчи омилдир. Ҳар қандай тадбиркор кучли рақобат муҳитида яшаб қолиш учун, албатта, ўз маҳсулотининг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратади. Истеъмолчи эҳтиёжини ўрганиш учун одамлар билан доимий мулоқотда бўлиш ҳам бундай корхона яшовчанлигининг яна бир сирidir.


Таъкидлаш жоизки, кичик бизнесни ривожлантиришда Япония мактаби ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашида ишлаб чиқариш жараёнларини тезлаштириш, янги технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш борасида «Сифат назорати» тўғрақларида таҳсил олганлар ўрин беқийёс бўлганини мутахассислар ҳамон эътироф этмоқда-лар. Дарҳақиқат, Япония ва Жанубий Корея каби табиий бойликлари нисбатан чекланган давлатлардаги шароит кўпроқ ақлга таянишни талаб этади.

Ҳаётнинг турли соҳа ва тизимларини ривожлантириб, жамиятни ҳаракатга келтирадиган

тадбиркорлик энг оғир муаммо — бандлик масаласини ҳал этишда ҳам муҳим роль ўйнашини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Мутахассисларнинг фикрича, кичик бизнес янги технологияларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам кенг имкониятларга эгадир. Чунки ривожланган мамлакат-

лар тажрибаси кичик бизнес иқтисодиёти бошқаришининг самарали шакли ва ангилликларга нисбатан яшовчан эканини аллақачон исботлаб бўлди. Бозор шароити ўзгаришларига мослашувчанлик, шахсий ташаббуслар учун кенг имкониятлар мавжудлиги соҳа муваффақиятига кенг йўл очаётир. Бугун нафақат Фарб, балки собик социалистик давлатларда ҳам кичик бизнес ўзига хос тадбиркорлик рамзи сифатида эътироф этилмоқда ва ҳар қандай жамият тараққиёти бевосята кичик ва ўрта тоифага кирувчи тадбиркор кадрларни тайёрлашга боғлиқлигига эътибор қаратилаяпти. Жаҳонда айнан ушбу йўналишга мос мутахассислар етиштирувчи юзлаб мактаб ва махсус марказлар иш юритаётгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Давлат идораларининг бизнес учун қулай муҳит яратиш борасидаги роли ортиб бораётганини ҳам айнан шу билан изоҳлаш мумкин.

Шубҳасиз, ҳар қандай жамиятда у ёки бу қатлам манфаатини, хохиш-иродаси ва орзу-истакларини рўёбга чиқаришга интиладиган ҳаракат, уюшма ва сиёсий партиялар бўлади. Улар давлатнинг қонунчилик органларида у ёки бу даражада таъсир ўтказишга уринадилар. Чунки тадбиркорликка оид қонунлар бозор ислохотларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу



нуктаи назардан деярли ҳар бир демократик давлатда улар манфаатини химоялайдиган ташкилот ёки гуруҳлар фаолият кўрсатади. Олайлик, АҚШда Савдо палатаси тадбиркор олдидagi биринчи даражали вазифалар хусусида ҳар йили мамлакат президентиға ҳисобот тайёрлайди. Бу маълумотлар бўлғуси сиёсий йўналишларни шакллантириш ва тегишли қарорлар қабул қилишда қўл келади.

Бошқа бир мамлакатларда эса ислохотларнинг жадаллашишиға қўмаклашиш мақсадида «Мия марказлари» деб юритилувчи илмий-тадқиқот муассасалари изланишлар олиб боради. Улар одатда хусусий секторга оид қабул қилинаётган қонунларнинг камчилиги ва афзалликларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиб, овоз беришдан олдин бу ҳақда депутатлар оғох этиладилар. Масалан, Доминика Республикасида 1985 йил ташкил этилган Иқтисодий йўналиш маркази ислохотларни муваффақиятли олиб боришда муҳим роль ўйнамоқда. Германиядаги Саноатчилар бирлашмаси эса тадбиркорларнинг қонунчилик соҳасидаги муаммоларини ечиш ва уларнинг қонун чиқарувчилар билан алоқаларида кўприк вазифасини ўтайди. Умуман олганда, тадбиркорларни бозор қўнмақаларига ўратиш ислохотларнинг изчилли-

гини таъминлаш баробарида аҳоли онгида ишбилармонлик вакилларига нисбатан ижобий фикрни шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Шу ўринда фарб олами ва собик коммунистик давлатларда тадбиркорликка муносабат яқин вақтларгача тубдан фарқ қилганини унутмаслик керак. АҚШда тадбиркорга пул топа олувчи,

мутлақ нуфузли, фаол ва ишбилармон киши сифатида қарашди. Бу ерда бизнесмен — фахрий ва даромадли касб эгаси. Бироқ айрим мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар жамиятнинг тадбиркорларга нисбатан салбий муносабати юқори бўлиб қолаётганини ҳам кўрсатмоқда. Лекин нима бўлганда ҳам кичик бизнес дунё иқтисодиётини

модернизация қилиш, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг гарови бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир. XXI асрнинг дастлабки икки ўн йиллигида кетма-кет юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирозлардан кейин ҳам хусусий сектор иқтисодиётда ўз мавқеини сақлаб қолаётгани бунинг амалдаги исботидир.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МАХФИЙ ЎТКАЗИЛАДИ



Федерал мажлис ва давлат раҳбарини сайлаш учун қақриладиган конституциявий орган — 18 март куни Германия президенти номзодига овоз берадиган бўлди. Маъмур сана Бундестаг раиси Норберт Ламмерт томонидан белгиланган. Аввали президент Кристиан Вульф 17 февраль куни истеъфога чиққанидан сўнг ҳукмрон коалиция ва оппозициядан президентликка ягона даъвогар сифатида 72 ёшли Йоахим Гаук номзоди кўрсатилмоқда. Маълумки, Федерал мажлис таркиби 1240 нафар делегатдан иборат бўлиб, уларнинг ярми Бундестаг депутатлари, қолган қисми 16 та федерал ўлка вакиллари. Президентликка бошқа номзодлар ҳам қўйилиши мумкин. Ёнг кизини, Германияда Президент сайловининг махфий тарзда кечишидир. Агар биринчи ва иккинчи турларда номзодлардан бири мутлақ овозга эга бўлмаса, учинчи тур ҳам белгиланади.

ХЬЮСТОН ЗЎРАВОНЛИК ҚЎРБОНИ ЭМАС



Лос-Анжелес полицияси жорий йилнинг 11 февралда вафот этган 48 ёшли Уитни Хьюстоннинг ўлими зўравонлик туфайли юз бермаган, деган хулосага келди. Маълумки, Beverly Hilton меҳмонхонаси ходими машҳур қўшиқчини ваннада тоғганида у ҳали тирик бўлса-да, ҳушсиз эканини маълум қилган. Бундан ташқари, Хьюстоннинг хонасида турли дори-дарвалар ва кучли оғрик қолдирувчи препаратлар тоғилганини таъкидлаш мумкин. Меҳмонхонада, шунингдек, санъаткорнинг ёлғиз қизи Кристина ҳам бўлгани тилга олинмоқда. 1963 йилда АҚШнинг Нью-Жерси штатида тавадуд тоғган хонанданинڭ ижодий ҳаёти баптистлар черкови хорида бошлангани кўпчиликка маълум, албатта. Кейинчалик у Нью-Йоркка кўчиб туниги клубларда қўшиқ қўйлай бошлади. Илк альбомини 1985 йилда чиқарган Уитни унинг 30 миллион адалда сотишга муваффақ бўлган. Бош ролини ижро этган «Тансоқчи» фильми эса Уитниға том маънода омад келтирди, дейиш мумкин. Ундаги асосий қўшиқ — I will always love you (Сени доимо севаман) ҳамон нискоҳ маросимларида энг қўп қўйланадиган қўшиқ сифатида қолмоқда. Уитни Хьюстоннинг номи «Гиннесс рекордлари китоби»ға киритилган бўлиб, у энг қўп муқофот олган санъаткор сифатида қайд этилган.

ЖАРИМА БОЛАГА ЭМАС, ОТА-ОНАЛАРГА



Британия ҳукумати ўқиш вақтида таълим жараёнини бузиб, фарзандларини таътилға олиб кетувчи ота-оналар учун жарима жорий этиш масаласини кўриб чиқмоқда. Мактабларда давоматни яхшилашга қаратилган ушбу чора-тадбирларни қабул қилиш таълим вазири Майкл Гоув томонидан таклиф қилинган. Ўқувчиларға фақат хасталик, ёмон об-ҳаво ва яқин инсонининг оламдан ўттиши каби ходисалар юз бергандагина дарсларни қолдиришға рухсат берилади. Янги талабни бузганлар эса жаримаға тортиладилар. Ҳозирча жарима миқдори ошқор этилмапти.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

Ozliber

XXI ASR

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА

ДАВОМ ЭМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

Футбол

Ҳал қилувчи «жанг» «Жар»да бўлади

КЕЧА АБУ-ДАБИДАГИ «МУҲАММАД БИН ЗАЙИД» СТАДИОНИДА БЎЛИБ ЎТГАН ЎЙИНДА БАА ТЕРМАСИГА КИЧИК ҲИСОБДА ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРГАН АВСТРАЛИЯ СЕШАНБА КУНИ ИРОҚ ФУТБОЛЧИЛАРИДАН МАҒЛУБ БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМПИАЧИЛАРГА КЎПЧИЛИК МУҲЛИСЛАРИМИЗ КУТГАН ЁРДАМНИ БЕРА ОЛМАДИ

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»

Бундан икки hafta аввал Бирлашган Араб Амир-дисклари олимпиади тарма-жасоасига қарши ўтказилган учрашув давомида дискалифи-фикация қилинган ўйинчи-нинг хизматидан фойдалан-ган проклиндаларга техник маълумийат ёзиб қўйиш бўйича қарор чиқарган ФИФА ўшбу ҳолатда «жабр қўлбўя» арабларга қўшимча уч очко билан бирга учта тўп ҳам «ҳадя» қилганди. Оқибатда мазкур қарорга қадар гуруҳда 3-ўринни банд этиб турган БАА тарма-си «бир айланми» барча кўрсаткичлар бўйича юр-дошларимизга етиб олганди.

21 февраль куни эса Лондонда бориш умидини йўқотган Ирок термасидан 1:2 ҳисобда мағлуб бўлган футболчиларимиз шундук ҳам оғир вазиятни янада чигаллаштириб юбордилар. Зеро, ҳисобини очигина эришган вакилларимиз мазакур ўйинда яқобий натижа қайд этиш имконига эга эдилар. Шундай бўлса-да, терм жамоа бош мураббийи В.Абрамов барча масалага уч хафтадан сўнг ўтказиладиган охири турда ойдинчи киригилишини таъкидлади.

— Афсуски, футболда пунакаш ҳам бўлиб туради. Хеч қим маълумиятдан қабулланмаган. Биринчи бўлинани яхши биларгани бўлсак-да, ҳисобдаги устунликни саклаб қоламизки, булдан ҳам ёмон учрашув фўтгазид иккинчи голни ўтқизиб юбордик. Шунга қарамай, ушбу маълумият жомоамиз руҳини сиңдирта олмаслигига ишонман, — деди мурабийи Доҳада, — деми бўлган Уйиндан сўнг. — Олдинда бизни яна битта жийдий синув кутиб турибди. Шундай экан,



сўнги турда асосий рақиби
мизни мағлуб этган ҳолда
биринчи ўринни банд этиш
учун бор кучимизни ишга
соламиз.

Буни қарангки, «Яшил китба» аккадлари Ўзбекистон терма жамоасини қаноатлантирадиган натижага эриша олмади. Бинобарин, энди австралияликлар иккинчи ўрин учун кураш олиб бормайдилар. Бизнинг йигитлар эса 14 март кўни «Жарда» бўлиб ўтадиган «жанг»да йиррик ҳисобда қалаба қозонишлари зарур. Акс ҳолда, иккинчи ўринни банд татладиган олимпиячиларимиз бошқа гуруҳларда шундай натижага эришган терма жамоалар билан бирга Вьетнамда ўтказиладиган навбатдаги саралаш баҳсларида «яришга» йўллама учун кураш олиб боришга мажбур бўладилар. Бундан ташқари, маъзур учликнинг энг яхши жамоаси Африка

вакили — Сенегал билан беллашади. 23 апрель куни Англиянинг Ковентри шаҳрида бўлиб ўтадиган киталарало «плей-офф» учрашувида ғолиб бўлган терма «Лондон-2012» лицензиясини қўлга киритади.

«Олимпиада-2012» саралаш баҳси.
«В» гуруҳи. 5-турдан кейинги вазият.

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1 БАА	5	3	2	0	5-0	11
2 Ўзбекистон	5	2	2	1	5-2	8
3 Ирок	5	1	1	3	2-7	4
4 Австралия	5	0	3	2	0-3	3

Таълим тизими

БУЛУНГУРДА ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛМОКДА

2011 йилда Самарканд вилоятида 6 та мусқав ва санъат мактаби ишга туширилган бўлса, улардан бири Булунгур туманида барпо этилди.

— Эски биномиз бутунги кун талабларига жавоб бермай қолган эди, — дейди мактаб директори Шербек Ёрматов. — Икки қаватли янги мактабда 30 нафардан ортиқ ўқитувчи ўқил-қизларгағижжак, доира, рубоб, дутор каби йўналишлар бўйича сабоқ бермоқда.

Мухайё Ахророва ҳозирда Самарқанд санъат коллежининг биринчи босқичида ўқийди. Муסיқани ошмуфта қизалоқ ҳам чанг сирларини ушбу мактабда ўрганди. Ўтган йили пойтахтда бўлиб ўтган Мухаммадин Қори Ёқубов номидаги республика кўрик-тайловидида Мухайё Гран-прини қўлга киритди.

Яна бир ўқувчи — Шоҳруз Хусанов эса муסיқа мактабидида устозларидан яхшидак нисон оруз-умидларини муסיқа оҳангларидида ифодалашни ўрганди. 2010 йилда «Янги авлод» фестивалида maxsus септифакат билан тақдирланди.

Қарор ва ижро

**СОБИҚ
АСКАРЛАР
ТАНТАНАЛИ
КУТИБ
ОЛИНДИ**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 12 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматта навабатдаги чакривури ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуроли Қўчалар резервага бўшатиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ йигитларин ҳарбий хизматга ўқуштини ҳамда собиқ аскарларини тантанали кутиб олиш маросимлари ўтказилмоқда.

Ўргач темир йўл вокзалига муддатли ҳарбий хизматини ўтаб қайтган бир ғуруҳ аскарларини кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Юртбошимиз
рахбарометлиги ҳарбий
соҳада амалга
оширилганда кенг
қамровли ислохотлар ўз
самарасини бераётгани,
бунинг натижадаги армия
хизматини ўтган йилгилар
хаётда ўз муносиб ўрнини
топаётгани алоҳида
таъкидланди.

Ўтган йили мудатли
ҳарбий хизматга
чақирилган урғочлик
Темури Маматов ўз
фуқаролик бурчини ўша
давомдаги командир ва
бошқилар иншончилиги
оқиб, олий ўқув
юртларига имтиёзли
ранинда ўқишга кириш
ҳуқуқини берадиган
таъсисномага эга бўлди.

— Ўқинишга кириш учун
астойдил тайёргарлик
қўрқомдан, — дейди
Темури. — Август ойига
ўз билимининг янада
ошириш йўлида ўқиб-
иланишни давом
эттираман. Орузум —
қўмондонлик томонидан
берилган таъсисномадан
фойдаланиб, Ички ишлар
вазирлиги академияси
курсанти деган номга
сазовор бўлиш.

Муддатли ҳарбий хизматини
тамомлаган йилгиларни
тантанали кутуб олиш
маросимлари қоринининг
барча жойларида давом
этмоқда.

(ЎЗА)



Мана қор-қировли кунлар ҳам туғаб бормоқда. Қиш фаслининг сўнги ҳафтаи ва кейинги ҳафта урталарига ҳам мамлакатимизда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиб, вақти-вақти билан ёмғир ётади. Гидрометеорология маркази хабарига кўра, 23 февраль-1 март кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари ҳаво ўзгариб туради, 26 февралда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, баъзи жойларга туман тушади. Хоразм 24 февралда 3-8, 25-27 февралда кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларининг баъзи ҳудудларига туман тушади, шамол гарбдан 7-12 м/с, телиқда эсади. Хоразм кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолида кечаси 0-5 совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ётади. Хоразм кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 2-7, кундузи 13-18 даража илқ бўлишини қўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, айрим жойларга туман тушади. Шамол гарбдан 7-12 м/с телиқда эсади. Хоразм кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятлари ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 25-26 февраль кунлари ёмғир ёғиши кутилмоқда. Хоразм кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳам ўзгариб туради, айрим жойларга туман тушади. Ёмғир, қор ётади. Қор кўниши ҳавфи бор. Хоразм кечаси 2-7 совуқ, кундузи эса 0-5 даража илқ бўлиши кутилмоқда.

Янгулик

«СОТКА»ЛАР ЎЗГАРАЯПТИ

Мобил алоқа
операторлари 100
ва 109
префикслар
билан
бошланадиган
абонентлар
рақамига
ўзгартиш
қиритилишини
маълум қилди.
mts.uz сайти



хабарлари қараганда, Тошкент шаҳри коди (+99897) билан боғланидиган 100, 101, 102, 103, 104 ва 107 префиксли телефон рақамлари тегишли равишда 800, 801, 802, 803, 804 ва 807 рақамлари ағлаштирилди.

«Билайн»нинг +99890 коди билан териладиган 105, 106 ва 108 рақамлари ўрнига бундан буён 805, 806 ва 808 рақамлари терилди.

«Perfectum Mobile» компанияси ахборот хизматидаги хабар қилинишича, компанияга қарашли 109 билан бошланадиган префикс 809 билан алмаштирилади. Бундай ўзгаришлар қачон амалга оширилиши маълум бўлмаса-да, рақамлар алмаштирилишидан анвал компаниялар томонидан абонентларга хабар берилиши айтилмоқда.

Шунингдек, хорижга чиқиш префикслари ҳам ўзгартирилади. Жумладан, чет элга чиқиш имконини берувчи «8» рақами яқин орада «0» билан алмаштирилиши кутилаяпти.

Реклама

КСИМЕЛИН®

Ксилометазолин

Быстрее насморка!

Равномерно орошает всю слизистую носа, обеспечивает дренаж носовых пазух и полости среднего уха

→ Экстремально уменьшает риск развития осложнений

Эффект наступает сразу же после применения и длится до 8-10 часов

→ В отличие от сосудосуживающих короткого действия, не вызывает обратного втека слизи

Точное дозирование исключает передозировку

→ В рекомендованных дозах не вызывает сухости и жжения

NEW!
Баллонная сила в борьбе с насморком

Показания к применению
Острые респираторные заболевания с явлениями ринита (насморка), острый аллергический ринит, поллиноз, синусит, вазомит, средний отит (для уменьшения отека слизистой носоглотки). Подготовку больного к диалатоскопическим манипуляциям в носовых ходах.

Содержит 0,1% ксилометазолина. Показан для применения у взрослых и детей старше 12 лет. Противопоказания: гипертония, тахикардия, атеросклероз, сахарный диабет, беременность, кормление грудью.

Йодомарин®

Калия Йодид

**Море всегда
с тобой!**

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Богатый Йодомарин® 100, содержит калия йодида 131 мг. (что соответствует 100 мкг йода). Йодомарин® 200 - содержит калия йодида 262 мг. (Что соответствует 200 мкг йода).

Показания: Профилактика йоддефицитных заболеваний (для предотвращения йоддефицитных заболеваний и обострений зоба у людей, проживающих в районах с дефицитом йода в окружающей среде, в первую очередь, у детей, подростков, беременных и кормящих женщин).

Лечение дефицита йода материнского зоба:

Донорово и профилактика зоба: младенцы и дети - 50-100 мг в сутки, подростки и взрослые - 100-200 мг в сутки, период беременности и кормления грудью - 200 мг, после операции по поводу зоба или после окончания медикаментозного лечения зоба, гормонами щитовидной железы - 100-200 мг.

Противопоказания: при манифестном тиреотоксикозе, при латентном тиреотоксикозе в дозах, превышающих 150 мкг йода в сутки, при автономной аденоме, а также для профилактики диффузных токсических заболеваний, щитовидной железы при применении в дозах от 300 до 1000 мкг йода в сутки. Для лечения манифестного тиреотоксикоза, гипертиреоза с автономной щитовидной железой по Гломатину. При наличии повышенной чувствительности к действующим веществам или к одним из прочих компонентов препарата зоб в дозе.

Формы выпуска: Йодомарин® - 100 по 100, 200 мг № 100 в упаковке.

Berlin-Chemie Menarini